

1 Бўлим – Савдо Иштирокчилари Учун Йўриқномалар

Мундарижа

A. Умумий қоидалар	1
1. Савдо таркиби	1
2. Маблағлар манбаи	1
3. Фирибгарлик ва порахўрлик	1
4. Савдонинг ҳуқуқий лаёқатли иштирокчилари	2
5. Мақбул материаллар, усқуналар ва хизматлар	4
B. Тендер ҳужжатининг таркиби	5
6. Тендер ҳужжатининг бўлимлари	5
7. Тендер ҳужжатининг изоҳлари, Объектга бориш, Тендер олди конференцияси	5
8. Тендер ҳужжатига ўзгартириш киритиш	7
C. Танлов таклифларини тайёрлаш	7
9. Савдода иштирок этиш харажатлари	7
10. Танлов таклифининг тили	7
11. Танлов таклифини ташкил этувчи ҳужжатлар	7
12. Таклиф хат ва жадваллар	8
13. Муқобил таклифлар	8
14. Танлов таклифининг нархлари ва чегирмалар	9
15. Танлов таклифи ва тўловнинг валютаси	9
16. Техник таклифни ташкил этувчи ҳужжатлар	10
17. Савдо иштирокчиси малакасини белгиловчи ҳужжатлар	10
18. Таклифнинг амал қилиш муддати	10
19. Танлов кафолати	10
20. Танлов таклифининг формати ва имзоланиши	12
D. Танлов таклифини тақдим этиш ва очиш	12
21. Танлов таклифини муҳрлаш ва маркировка қилиш	12
22. Танлов таклифи берилишининг якуний муддати	13
23. Кечикиб тақдим этилган Танлов таклифлари	13
24. Танлов таклифини қайтариб олиш, алмаштириш ва ўзгартириш	14
25. Танлов таклифларини очиш	14
E. Танлов таклифларини баҳолаш ва таққослаш	16

26. Махфийлик	16
27. Танлов таклифларини тушунтириш	17
28. Четлашишлар, изоҳлар ва нуқсонлар	17
29. Техник таклифларни олдиндан кўриб чиқиш	17
30. Таклифнинг тендер шартларига мослигини аниқлаш	18
31. Талабларга мос келмаслик, хатолар ва нуқсонлар	18
32. Савдо иштирокчисининг малакаси	19
33. Арифметик хатоларни тўғрилаш	19
34. Ягона валютага айрибошлаш	19
35. Преференциал чегирма	19
36. Танлов таклифлари нархини баҳолаш	19
37. Танлов таклифларини таққослаш	20
38. Буюртмачининг исталган танлов таклифини қабул қилиш ва исталган танлов таклифини рад этиш ҳуқуқи	20
Ғ. Шартномани бериш	22
39. Шартномани бериш мезонлари	22
40. Шартнома берилганлиги тўғрисида огоҳлантириш	22
41. Шартномани имзолаш	22
42. Шартнома ижро этилиши кафолати	22

1-қисм – Тендер иштирокчилари учун йўриқномалар

А. Умумий қоидалар

1. Тендер таркиби

1.1 Тендер учун маълумот варақасида (ТМВ) кўрсатилганидек, Иш берувчи 6–қисмда (Қурилиш объектлари талаблари) таърифланган Қурилиш объектларини харид қилиш буйича ушбу Тендер ҳужжатини тақдим этади. Ушбу тендернинг номи, идентификацияси ва шартнома миқдори ТМВ да келтирилган.

1.2 Бутун Тендер ҳужжати буйича:

(а) “ёзма” атамаси ёзма шаклда амалга оширилган ва қўл/муҳр остида қабул қилиб олинган маъносини англатади;

(б) матнда тақозо этилган ўринлардан ташқари, бирликда келтирилган сўзлар кўпликни, ва кўпликда келтирилган сўзлар бирликни англатади; ва

(с) “кун” календар кунини англатади.

2. Маблағлар манбаи

2.1 ТМВ да кўрсатилган Қарз олувчи ёки Олувчи (кейинги ўринларда “Қарз олувчи”) ТМВ да келтирилган лойиҳа ҳаражатларини молиялаш учун Осиё Тараққиёт Банкига (кейинги ўринларда “ОТБ”) мурожаат қилди ёки ундан олди (кейинги ўринларда “маблағлар”). Қарз олувчи маблағларнинг бир қисмини ушбу Тендер ҳужжати буйича шартномага (шартномалар) тегишли тўловларни амалга ошириш учун фойдаланишни режалаштирган.

2.2 ОТБ тўловлари фақат Қарз олувчининг талабига биноан ва Қарз олувчи ва ОТБ тузган молиялаш битими (кейинги ўринларда “Қарз битими”) шартларига мувофиқ ОТБ маъқулланганидан кейин амалга оширилади; бунда у Қарз битимининг барча шартларига ҳам мос бўлиши керак. Қарз олувчидан бошқа томон Қарз битими буйича ҳеч қандай ҳуқуққа ёки маблағларга нисбатан ҳеч қандай даъвога эга бўла олмайди.

3. Фирибгарлик ва коррупция

3.1 ОТБ Коррупцияга қарши сиёсати қарз олувчилар (шу жумладан, ОТБ томонидан молияланган лойиҳалар бенефициарлари), шунингдек, ОТБ томонидан молияланган шартномалар буйича Тендер иштирокчилари, таъминотчилар ва пудратчилар шундай шартномалар бажарилиши ва улар буйича харид қилиниши жараёнида энг юксак ахлоқий меъёрларга риоя қилишларини тақозо этади Мазкур сиёсатга мувофиқ ОТБ:

(а) мазкур бўлим мақсадларида қуйидаги атамаларни таърифларини келтиради:

(i) “коррупцион амалиёт” бошқа томон хатти-ҳаракатларига номақбул таъсир кўрсатиш мақсадида, бевосита ёки билвосита тарзда, ҳар қандай қийматга эга нарсани таклиф этиш, бериш, олиш, ва сўрашни англатади

(ii) “фирибгарлик амалиёти” бир томоннинг молиявий ёки бошқа манфаат олиши ёки мажбуриятлардан бош тортиши, онгли ёки мулоҳазасиз равишда чалғитувчи, ёки чалғитишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки камчиликни, шу жумладан, нотўғри қайд этишни англатади;

- (iii) “мажбурлаш амалиёти” бир томоннинг хатти-ҳаракатига номақбул таъсир кўрсатиш мақсадида зарар ёки зиён етказиш, ёки, бевосита ёки билвосита тарзда, зарар ёки зиён етказишга таҳдид қилишни аниқлатади;
- (iv) “тил бириктириш” номақбул мақсадга эришиш, шу жумладан, бошқа томон хатти-ҳаракатларига номақбул таъсир кўрсатишга қаратилган икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасидаги келишувни аниқлатади;
- (b) Савдо иштирокчисига беришга тавсия қилинган ушбу шартнома учун танлов давомида Савдо иштирокчиси ушбу Шартномани олиш учун тўғридан тўғри ёки ўз агенти орқали порахўрлик, фирибгарлик, тил бириктириш ёки мажбурлашга жалб қилингани аниқланса, шартномани бериш таклифи бекор қилинади;
- (c) ОТБ қарз олувчилари ёки бенефициарлари ушбу шартнома бўйича харид қилиш ёки унинг ажратилиши жараёнида порахўрлик, фирибгарлик, мажбурлаш ёки тил бириктиришда иштирок этгани исталган пайтда аниқланса, ҳамда қарз олувчи бундай вазиятни тўғрилаш бўйича ОТБ ни қаноатлантирувчи чораларни кўрмаса, Банк томонидан шартнома учун ажратилган молиялаш қисми бекор қилинади;
- (d) Исталган пайтда фирма ёки жисмоний шахс, бевосита ёки агенти орқали порахўрлик, фирибгарлик, тил бириктириш ёки мажбурлаш ёхуд бошқа ҳар қандай тақиқланган амалиётларга жалб қилинганлиги аниқланса, ОТБ нинг порахўрликка қарши сиёсати ва Ҳалоллик тамойилларига мувофиқ (ҳар икки ҳужжатга даврий равишда киритилган ўзгаришлар билан бирга) фирма ёки жисмоний шахсга нисбатан санкциялар қўлланилади, шу жумладан ОТБ томонидан молияланадиган ёки бошқариладиган фаолият турида иштирок этиш бўйича номуайян ёки муайян даврга молиявий ёки бошқа турдаги лаёқатсизлиги эълон қилинади; ҳамда
- (e) ОТБ томонидан молияланадиган тендер ҳужжатлари ва шартномаларга савдо иштирокчилари, таъминотчилар, пудратчилардан ОТБ ёки унинг вакиллари томонидан таклифни бериш ва шартномани ижро этишга оид ҳисоб-рақамларни, қайдларни ва бошқа ҳужжатларни текшириш, ва уларни ОТБ томонидан тайинланадиган аудиторлар томонидан текширувини ўтказишни талаб қилувчи қоидаларни киритиш ҳуқуқи берилган.

11.2 Бундан ташқари, Савдо иштирокчилари 22.2 ва 56.2 (h) бандларда келтирилган ОУК шартлари билан танишиши керак.

4. Савдоларнинг ҳақли иштирокчилари

- 4.1 Савдо иштирокчиси жисмоний шахс, хусусий корхона, давлат муассасаси, СИЙ 4.5 га кўра – мавжуд битимга ёки мавжуд битим доирасида қўшма корхона (ҚК) сифатида фаолият юритаётган корхоналарга қўшма корхона (ҚК) шаклида қўшилиш ниятида бўлган уларнинг ҳар қандай комбинацияси бўлиши мумкин. ҚК шаклида бўлса:
- (a) барча шериклар алоҳида ва биргаликда жавобгар ҳисобланади, ва
- (b) ҚК ўз Вакилини тайинлаши керак ва танлов савдолари жараёнида, шартнома берилган ҳолда, уни ижро этиш

давомида унга ҚК нинг исталган томони ва унинг номидан фаолият кўрсатиш ваколати берилади.

- 4.2 Савдо иштирокчиси, ва Савдо иштирокчисини шакллантирувчи барча томонлар, 5 Бўлимга (Хуқуқий лаёқатга эга томонлар) мувофиқ, ОТБ аъзоси-қонуний хуқуққа эга давлатга мансуб бўлиши шарт. Савдо иштирокчиси у ушбу давлатнинг фуқароси бўлса, ёки ушбу давлат қонунларига кўра таъсис этилган, рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган бўлса, ушбу давлатга мансуб, деб ҳисобланади. Шартоманинг исталган қисми бўйича таклиф қилинадиган субпудратчилар ёки таъминотчиларнинг давлатга мансублигини аниқлашда ҳам ушбу мезондан фойдаланилади.
- 4.3 ОТБ манфаатлар тўқнашувини ушбу томоннинг шартнома бўйича вазифалари ва мажбуриятларини бажаришига, ёки тегишли қонун ва қоидаларни бажаришига номақбул таъсир кўрсатадиган манфаатларга эга бўлган, ҳамда манфаатларнинг бундай тўқнашуви ОТБ нинг Порахўрликка қарши сиёсатига кўра тақиқланган тартибга кўмаклашувчи ёки белгилловчи, вазият деб, ҳисоблайди. ОТБ нинг Порахўрликка қарши сиёсати талабларига кўра, Қарз олувчилар (шу жумладан, ОТБ томонидан молияланадиган лойиҳалар бенефициарлари), шунингдек, Савдо иштирокчилари, таъминотчилар ва пудратчилар ахлоқнинг энг юксак меъёрларига амал қилишлари зарур. Манфаатлар тўқнашуви ҳар қандай харид жараёнининг обрўсига зарар етказганлиги аниқланган ҳолларда, ОТБ шартномани молиялашнинг олдини олишни кўзда тутувчи тегишли чоратadbирларни қўллайди. Шундан келиб чиққан ҳолда манфаатлар тўқнашувига алоқадорлиги аниқланган Савдо иштирокчилари дисквалификация қилинади. Савдо иштирокчиси, қуйидаги шартларда (аммо, улар билан чекланмаган ҳолда) жорий савдо жараёнида битта ёки ундан ортиқ томонлар билан манфаатлар тўқнашувига жалб қилинган, деб ҳисобланади:
- (a) уларнинг акцияларнинг назорат тўпламига эга умумий акциядорлари бор; ёки
 - (b) уларнинг исталганидан тўғридан тўғри ёки воситали пул ёрдамини олади ёки олган; ёки
 - (c) танлов таклифи бўйича ягона қонуний хуқуқли вакилга эга; ёки
 - (d) улар умумий учинчи томон орқали тўғридан тўғри ва воситали алоқадор, бу эса уларга бошқа Савдо иштирокчисининг танлов таклифи ҳақида маълумот олиш ёки унга таъсир кўрсатиш, шунингдек савдо бўйича қабул қилинадиган қарорга таъсир кўрсатиш имконини беради; ёки
 - (e) Савдо иштирокчиси мазкур савдо жараёнида биттадан ортиқ танлов таклифида иштирок этади. Биттадан ортиқ таклифда иштирок этиш ушбу Савдо иштирокчиси иштирок этадиган барча танлов таклифларининг

дисквалификациясига сабаб бўлади. Аммо, бу ҳол Савдо иштирокчиси сифатида қатнашмаётган субпудратчининг биттадан ортиқ танлов таклифига киритилишига тўсқинлик қилмайди; ёки

- (f) Савдо иштирокчиси лойиҳа-смета ҳужжатларини ёки Савдо предмети бўлган ускуналарнинг техник ихтисослашувини тайёрлашда маслаҳатчи сифатида иштирок этган; ёки
- (g) Савдо иштирокчиси Буюртмачи ёки Қарз олувчи томонидан Шартома бўйича муҳандис сифатида жалб қилинган (ёки ёллаш учун тавсия қилинган) фирма ёки корхона билан боғлиқ бўлган тақдирда.
- 4.4 Фирмага нисбатан ОТБ нинг коррупцияга қарши сиёсатига (қаранг:СИЙ №) мувофиқ ОТБ санкциялари қўлланилаётган бўлса, у ОТБ томонидан молияланадиган ёки ёрдам кўрсатиладиган лойиҳалар доирасида харидлар бўйича бирон бир турдаги фаолиятда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бунда санкциялар ОТБ томонидан белгиланганлиги, ёки ОТБ томонидан Тақиқлаш бўйича қарорларни ўзаро бажариш доирасида белгиланганлиги аҳамиятга эга эмас. Унга нисбатан санкциялар қўлланилган, ёки қарама қарши тақиқлар остида бўлган фирманинг танлов таклифи рад қилинади.
- 4.5 Буюртмачи мамлакатдаги давлат корхоналари фақат улар юридик ва молиявий жиҳатдан мустақиллигини исботласа, фаолиятини савдо ҳуқуқи тамойилларига мос равишда амалга оширса, ва Буюртмачига қарам муассаса ҳисобланмаса, қонуний ваколатга эга, деб ҳисобланади.
- 4.6 Савдо иштирокчилари асосли равишда Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган ва уни қаноатлантирадиган ўз ҳуқуқий ваколатини тасдиқловчи гувоҳномани тақдим этишлари керак.
- 4.7 БМТ Низомининг VII бўлими доирасида қабул қилинган БМТ Хавфсизлик кенгаш қарорига мувофиқ, Қарз олувчининг мамлакати ушбу мамлакатидан бирон-бир товарнинг импорти ёки бундай мамлакатнинг жисмоний ва юридик шахсларига тўловларни амалга ошириш тақиқланса, фирмалар чиқариб юборилиши керак.
- 4.8 Агарда олдиндан малакалаш жараёни савдо жараёнидан аввал ўтказилган бўлса, ушбу очиқ савдо олдиндан малакалашдан ўтган савдо иштирокчилари учунгина очиқдир.

5. Мақбул материаллар, ускуналар ва хизматлар

- 5.1 Шартнома бўйича етказиб бериладиган материаллар, ускуналар ва хизматлар, юқорида кўрсатилганидек, СИЙ 4.2 га мувофиқ савдода иштирок этиш ҳуқуқига эга мамлакатларда ишлаб чиқарилган бўлиши керак. Шунингдек Шартнома бўйича барча харажатлар шу турдаги материаллар, ускуналар ва хизматлар билан чекланиши лозим. Буюртмачи талабига кўра, савдо иштирокчилари материаллар, ускуналар ва хизматлар келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши керак.

- 5.2 Юқорида кўрсатилган СИЙ 5.1 да кўзда тутилган мақсадлар учун «келиб чиқиши» материаллар ва жиҳозларни қазиб олиш, етиштириш ёки ишлаб чиқарилиши жойини, ёки у ердан хизматлар етказиб бериладиган жойни англатади. Материаллар ва жиҳозлар қайта ишлаш, ишлов бериш ёки компонентларни салмоқли ёки асосий йиғиш натижасида тижорий нуқтаи назардан тан олинадиган маҳсулот ҳосил бўлса, у барча базавий характеристикалари ёки мақсадига кўра ўзини ташкил этувчи компонентлардан жиддий фарқ қилса, улар ишлаб чиқарилган деб ҳисобланади.

В. Тендер ҳужжатининг мазмуни

6. Тендер ҳужжатлари бўлимлари

- 6.1 Тендер Ҳужжати I, II ва III қисмлардан ташкил топади, унга қуйида келтирилган барча Бўлимлар киради, ва ҳар қандай қўшимчалар билан бирга СИЙ 8 бандига кўра чоп этилган, деб ҳисобланади.

I қисм – Танлов савдоси жараёни

- 1 бўлим – Савдо иштирокчилари учун йўриқномалар (СИЙ)
- 2 бўлим – Савдоларнинг ахборот жадвали (САЖ)
- 3 бўлим – Баҳолаш ва Малака мезонлари (БММ)
- 4 бўлим – Танлов Таклифлари Шакллари (ТТШ)
- 5 бўлим – Ҳуқуқий ваколатли мамлакатлар (ҲМ)

II қисм – Талаб қилинадиган ишлар

- 6 бўлим – Талаб қилинадиган ишлар

III қисм – Шартнома шартлари ва шакллари

- 7 бўлим – Шартноманинг умумий шартлари (ШУШ)
- 8 бўлим – Махсус шартлар (ШМШ)
- 9 бўлим – Шартнома шакллари (ШШ)

- 6.2 Буюртмачи томонидан чоп этилган савдога таклифнома Тендер ҳужжатининг қисми ҳисобланмайди.

- 6.3 Буюртмачи томонидан бевосита савдо таклифномасида кўрсатилган манбадан олинмаган ҳолда, у Тендер ҳужжати ва унинг Қўшимчалари тўлиқлиги учун жавобгар ҳисобланмайди.

- 6.4 Савдо иштирокчиси Тендер ҳужжатида келтирилган барча йўриқномаларни, шартларни ва ихтисослашувларни ўрганиб чиқиши кўзда тутилади. Тендер ҳужжатида талаб қилинадиган барча маълумотларни тақдим эта олмаслик танлов таклифининг рад этилишига сабаб бўлиши мумкин.

7. Тендер ҳужжатини тушунтириш, объектни бориб кўриш, тендер олди конференциясини

- 7.1 Тендер ҳужжати бўйича бирон бир изоҳни талаб қилувчи бўлажак Савдо иштирокчиси ёзма равишда Буюртмачига САЖ да кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилиши ёки бу ҳол СИЙ 7.4 кўзда тутилган тақдирда, тендер олди конференциясида ўз саволини кўтариши керак. Буюртмачи изоҳлаш бўйича барча сўровларга ёзма равишда жавоб беради, бунда сўров таклиф бериш санаси тугашидан

Ўтказиш

- йигирма бир (21) кун аввал берилган бўлиши шарт. Буюртмачи ўз жавобининг нусхаларини, СИЙ 6.3 га кўра барча Савдо иштирокчиларига тарқатиши керак. Бунда манбасини кўрсатмаган ҳолда сўровнинг таърифи ҳам кўрсатилган бўлиши лозим. Агар Буюртмачи изоҳланиши керак бўлган сўров натижасида Тендер ҳужжати ўзгартириш зарур деб ҳисобласа, буни СИЙ 8 ва СИЙ 22.2 бандлари доирасида кўзда тутилган тартибга мувофиқ амалга ошириши керак.
- 7.2 Савдо иштирокчисига Қурилиш объекти ва унинг ён атрофини бориб кўриш, ўз масъулияти билан танлов таклифини тайёрлаш ва Қурилиш ишлари бўйича шартнома тузиш учун талаб қилиниши мумкин бўладиган барча маълумотларни йиғиши тавсия қилинади. Объектни бориб кўриш харажатлари Савдо иштирокчиларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- 7.3 Савдо иштирокчисига, ва унинг исталган ходими ёки агентига бундай ташриф мақсадлари учун Буюртмачи томонидан бино ва ҳудудга кириш учун рухсатнома берилади. Бунинг мажбурий шарти шундан иборатки, Савдо иштирокчиси, унинг ходими ёки агенти Буюртмачи, унинг ходимлари ва агентларини бу борадаги ҳар қандай жавобгарликлардан халос этиши ва хавфсизлигини таъминлаши, айти пайтда ходимларининг ўлими ёки жароҳатланиши, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки унга зарар етказилиши, бундай кўрик натижасида содир бўлган барча бошқа турдаги йўқотишлар, зарарлар, чекловлар ва харажатлар учун жавобгарликни ўз бўйнига олишлари керак.
- 7.4 САЖ да кўзда тутилган тақдирда, Савдо иштирокчисининг қонуний ваколатга эга вакили тендер олди конференциясига таклиф қилинади. Конференциядан кўзланган мақсад мунозарали масалаларга ойдинлик киритиш, бу босқичда вужудга келиши мумкин бўлган барча саволларга жавоб беришдан иборат.
- 7.5 Савдо иштирокчилари, имкон қадар, ҳар қандай саволларини ёзма равишда йўллаши керак, бунда шуни эътиборга олиш керакки, улар Буюртмачига тендер олди конференцияси ўтказилишидан камида бир ҳафта аввал йўлланган бўлиши керак.
- 7.6 Конференциядан сўнг тайёрланган тендер олди конференцияси баённомаси, шу жумладан, берилган саволлар (манбасини кўрсатмаган ҳолда) ва жавоблар матни, СИЙ 6.3 га мувофиқ, тендер ҳужжатларини олган барча Савдо иштирокчиларига дарҳол етказиб берилади. Тендер олди конференциясини ўтказиш пайтида киритилиши зарур бўлган барча ўзгаришлар, СИЙ 8 га мувофиқ, тендер олди баённомаси билан эмас, Буюртмачи томонидан Қўшимчани эълон қилиш орқали киритилиши зарур.
- 7.7 Тендер олди конференциясига келмаслик Савдо иштирокчисини дисквалификация қилинишига сабаб бўла олмайди.

- 8. Тендер ҳужжатига ўзгартишлар киритиш**
- 8.1 Танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугашидан аввал исталган пайтда Буюртмачи қўшимчаларни чоп этиш орқали Тендер ҳужжатини ўзгартириши мумкин.
- 8.2 Ҳар қандай чоп этилган қўшимча Тендер ҳужжатининг бир қисмини ташкил этиши керак, ва СИЙ 6.3 га мувофиқ, ёзма шаклда Тендер ҳужжатини олган барча иштирокчиларга тарқатилиши лозим.
- 8.3 Бўлажак Савдо иштирокчиларига ўз танлов таклифларини тайёрлашда бундай қўшимчани эътиборга олишлари учун етарли вақт ажартиш учун, Буюртмачи, ўз ихтиёрига кўра, СИЙ 22.2 га мувофиқ, таклифларни тақдим этишнинг якуний санасини узайтириши мумкин.

С. Танлов таклифларини тайёрлаш

- 9. Савдоларда иштирок этиш харажатлари**
- 9.1 Савдо иштирокчиси ўз таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўзи тўлайди, Буюртмачи эса, савдо жараёни ўтказилиши ёки натижалари бўйича бундай харажатлар бўйича жавобгар ҳисобланмайди.
- 10. Танлов таклифининг тили**
- 10.1 Танлов таклифи, Савдо иштирокчиси билан Буюртмачи ўртасидаги савдо билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар ва ҳужжатлар каби, САЖ да кўрсатилган тилда битилган бўлиши керак. Танлов таклифининг қисми ҳисобланган илова қилинадиган ҳужжатлар ва босма адабиёт бошқа тилда бўлиши мумкин, бунда уларга тегишли қисмларига САЖ да кўрсатилган тилга аниқ таржимаси илова қилиниши шарт; бу ҳолда, танлов таклифини шарҳлашда, бундай таржима устувор кучга эга бўлади.
- 11. Танлов таклифини ташкил этувчи ҳужжатлар**
- 11.1 Танлов таклифи иккита конвертдан ташкил топиши керак, ва улар бир пайтдан тақдим этилади. Улардан бири Техник танлов таклифи деб номланади ва унга СИЙ 11.2 да қайд этилган ҳужжатлар киритилади ва иккинчиси Баҳоли танлов таклифи деб номланади, ва унга СИЙ 11.3 да санаб ўтилган ҳужжатлар киритилади; ҳар икки конверт битта ташқи конвертга солинган бўлиши керак.
- 11.2 Техник танлов таклифида қуйидаги ҳужжатлар келтирилган бўлиши керак:
- (a) Техник таклифли хат;
 - (b) СИЙ 19 га мувофиқ Таклиф кафолати ёки Таклиф кафолати тўғрисидаги ариза;
 - (c) СИЙ 13 га йўл қўйилган тақдирда муқобил танлов таклифлари;
 - (d) Танлов таклифини имзолаган шахсга Савдо иштирокчисини СИЙ 20.2 ни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқини берувчи ёзма тасдиқ;
 - (e) СИЙ 17 га мувофиқ, Савдо иштирокчисининг шартномани бажариш бўйича малакасига оид ҳужжатли далил;
 - (f) СИЙ 16 га мувофиқ, техник таклиф;

- (g) САЖ да талаб қилинган ҳар қандай бошқа ҳужжатлар.
- 11.3 Баҳоли танлов таклифи куйидаги ҳужжатлардан ташкил топиши керак:
- (a) Баҳоли таклиф хати;
 - (b) СИЙ 12 ва 14 ёки САЖ даги кўрсатмаларга мувофиқ тўлдирилган Баҳоли таклифлар;
 - (c) СИЙ 13 га га бунга йўл қўйилган ҳолларда муқобил нархли таклифлар;
 - (d) САЖ да талаб қилинадиган ҳар қандай бошқа ҳужжатлар.
- 11.4 СИЙ 11.2 талабларига қўшимча равишда, ҚК томонидан берилган танлов таклифлари унга барча шериклар кирувчи Қўшма корхона ташкил этилиши тўғрисидаги шартнома нусхасини тақдим этиши керак. Танлов таклифи ғолиб чиққан тақдирда, бунинг муқобили сифатида, барча шериклар қўшма корхона ташкил этиш истаги тўғрисидаги хатни имзолаши ва тахминий битим нусхасини билан бирга тақдим этиши керак.
- 12. Таклифли хатлар ва жадваллар**
- 18.1 Техник таклиф ва баҳоли хат-таклиф, жадваллар ва СИЙ 11 да санаб ўтилган барча ҳужжатлар 4-бўлимдаги тегишли шакллардан (Танлов таклифлари шакллари) фойдаланган ҳолда тайёрланиши керак. Шакллар матнга бирон бир ўзгартиш киритилмаган ҳолда тўлдирилиши керак, ва ҳеч қандай алмашувлар қабул қилинмайди. Барча бўш устунлар сўралган маълумотлар билан тўлдирилиши зарур.
- 13. Муқобил таклифлар**
- 13.1 САЖ да бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, муқобил таклифлар кўриб чиқилмайди.
- 13.2 Ишни якунлаш учун аниқ муқобил муддатларга йўл қўйилса, бу борадаги баёнот ва якунлашнинг турли муддатларини баҳолаш усули САЖ га киритилади.
- 13.3 САЖ 13.4 да куйида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, Тендер ҳужжати талабларига техник муқобилларни таклиф этиш истагида бўлган Савдо иштирокчилари бўлса, Буюртмачи лойиҳасининг Тендар ҳужжатида таърифланган дастлабки қиймати кўрсатилиши керак, сўнгра Буюртмачи томонидан муқобил вариантни тўлиқ баҳолаш учун, барча зарур маълумотлар, шу жумладан, чизмалар, лойиҳа сметаси, техник ихтиослашувлар, нархлар тақсимланиши, қурилишнинг таклиф этилаётган услубиёти ва ишга алоқадор бўлган бошқа тафсилотлар кўрсатилиши зарур. Буюртмачи томонидан Савдо иштирокчисининг асосий техник талабларга жавоб берадиган, баҳоли қиймати арзонроқ бўлган техник муқобиллари кўриб чиқилади.
- 13.4 САЖ да кўзда тутилган ҳолда, Савдо иштирокчисига Ишларнинг кўрсатилган қисмлари бўйича муқобил техник ечимларни тақдим этишга рухсат берилади. Бундай қисмлар САЖ да белгиланади ва 6 бўлимда таърифланади (Талаб қилинадиган ишлар). Уларни баҳолаш услуби 3 бўлимда (Баҳолаш ва малака мезонлари).

- 14. Танлов таклифининг нархи ва чегирмалар**
- 14.1 Савдо иштирокчиси томонидан баҳоли таклиф хатида кўрсатилган нархлар ва чегирмалар қуйидаги талабларга жавоб бериш лозим.
- 14.2 Савдо иштирокчиси САЙ 1.1 да таърифланган барча ишлар бўйича 4 бўлимда (Танлов Таклифлари Шакллари) кўрсатилганидек, Ишларнинг барча бандлари бўйича нархлар ўринини тўлдириб, танлов таклифини бериши керак. Ягона нархли шартномалар бўйича Савдо иштирокчиси Ишлар ҳажми қайдномасида кўрсатилган ишларнинг барча бандлари бўйича ставкаларни ва нархларни қўйиб чиқиши керак. Савдо иштрокчиси томонидан уларнинг рўпарасига ставка ва нархлар қўйилмаган ишлар турлари Буюртмачи томонидан улар бажарилганидан сўнг ҳақи тўланмайди, ҳамда Ишлар ҳажми қайдномасида бошқа бандлар ва нархлар бўйича камраб олинган, деб ҳисобланади.
- 14.3 Баҳоли таклиф хатда таклиф этилаётган нарх танлов таклифининг умумий қийматини ташкил этиши зарур, таклиф қилинган чегирмалар бундан мустасно.
- 14.4 Савдо иштирокчиси САЙ 14.1 га мувофиқ, Баҳоли таклиф хатда ҳар қандай чегирмаларни ва уларни қўллаш услубиётини кўрсатиши керак.
- 14.5 САЖ да ва Шартнома шартларида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, Савдо иштирокчиси томонидан белгиланадиган нархлар қатъий белгиланган, деб ҳисобланади. Агар Савдо иштирокчиси томонидан кўрсатилган нархларга шартномани бажариш жараёнида Шартнома қоидаларига кўра тузатиш киритилиши лозим бўлса, Савдо иштирокчиси 4 бўлимдаги (Танлов Таклифлари Шакллари) Тузатишлар бўйича маълумотлар жадвалида нархларга тузатиш киритиш формуласи учун индексларни ва вазнли коэффициентларни тақдим этиши керак.
- 14.6 САЙ 1.1да кўзда тутилган бўлса, таклифлар алоҳида шартномалар бўйича ёки уларнинг исталган комбинацияси (тўпламлари) бўйича тақдим этилиши мумкин. Биттадан ортиқ Шартномани қўлган киритиш учун бирон бир тарзда нархларни пасайтиришни таклиф этиш истагига бўлган Савдо иштирокчилари ўз таклифида ҳар бир тўплам бўйича қўлланиладиган нархлар пасайишини кўрсатиши зарур. Нархларнинг пасайиши ёки чегирмалар САЙ 14.4 га мувофиқ тақдим қилиниши зарур, бунда барча шартномалар бўйича танлов таклифлари бир пайтда тақдим қилиниши ва очилиши шарт.
- 14.7 Пудратчи томонидан Шартнома бўйича, ёки исталган барча бошқа асослар бўйича тўланадиган барча божлар, солиқлар ва бошқа йиғимлар, танлов таклифларини бериш муддати тугалланишидан 28 кун аввал Савдо иштирокчиси танлов таклифининг ҳисоб-китобига, нархига ва умумий қийматига киритилади.
- 15. Танлов таклифи ва тўлови валютаси**
- 15.1 Танлов таклифининг валютаси(лари). САЖ да кўрсатилганидек бўлиши зарур.

- 15.2 Буюртмачи Савдо иштирокчиларидан ўзларининг маҳаллий ва хорижий валютага бўлган талабини ишончли тарзда асослашни, ва нархга киритилган суммалар 4 бўлим (Танлов таклифлари шакллари) нинг тегишли шаклларида кўрсатилганлигини исботлашни сўраши мумкин. Бундай ҳолда Савдо иштирокчилари хорижий валютага бўлган эҳтиёжнинг батафсил тақсимотини тақдим этиши зарур.
- 16. Техник таклифни ташкил этувчи ҳужжатлар**
- 16.1 Савдо иштирокчиси Техник таклифни, шу жумладан 4 бўлимда (Танлов таклифлари шакллари) қайд этилган ишларнинг амалга оширилиши, ускуналар, ходимлар, ишлар жадвали таърифини ва бошқа исталган маълумотни Савдо иштирокчисининг ишларни бажариш ва уларни белгиланган муддатларда яқунлашга қодирлигини кўрсатиш учун батафсил келтириши керак.
- 17. Савдо иштирокчиси малакасини белгиловчи ҳужжатлар**
- 17.1 Шартномани 3 бўлимга (Баҳолаш ва малака мезонлари) мос тарзда бажариш учун Савдо иштирокчиси малакасини белгилаш мақсадида Савдо иштирокчиси 4 бўлимнинг (Танлов таклифлари шакллари) тегишли жадвалларида сўралган маълумотни тақдим этиши зарур.
- 17.2 Савдоларнинг маҳаллий иштирокчилари афзалликлари бўйича ҳуқуқий лаёқатлилиқ бўйича ариза билан мурожаат қилувчи алоҳида ёки ҚҚ таркибидаги Маҳаллий Савдо иштирокчилари САЙ 35 да таърифланган ҳақлилиқни тасдиқловчи барча маълумотларни тақдим этиши керак.
- 18. Таклифларнинг амал қилиш муддати**
- 18.1 Танлов таклифи САЖ да кўзда тутилган бутун даврда, Буюртмачи томонидан белгиланган Танлов таклифини бериш санаси туганидан сўнг ўз кучини йўқотмайди. Бундан кам муддатда амал қиладиган танлов таклифи Буюртмачи томонидан талабга жавоб бермаслиги туфайли рад қилинади.
- 18.2 Фавқулдда ҳолатларда танлов таклифи муддати тугашидан аввал Буюртмачи танлов савдолари иштирокчиларидан танлов таклифлари муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бундан сўровлар ва уларга жавоблар ёзма равишда йўналтирилиши керак. СИЙ 19 га кўра, таклиф кафолати талаб қилинса, у ҳам таклиф амал қилиш муддати туганидан сўнг йигирма саккиз кун (28)га узайтирилади. Танлов савдоси иштирокчиси ўз тендер таъминотини йўқотмаган ҳолда сўровдан бош тортиши мумкин. Ушбу сўровга розилик берган тендер савдоси иштирокчиси танлов таклифни ўзгартириш талаб қилинмайди ва бунга рухсат берилмайди.
- 19. Таклиф кафолати**
- 19.1 СИЙ да бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, Савдо иштирокчиси таклиф кафолатини ўз танлов таклифининг бир қисми сифатида ёки бу ҳақда Декларацияни ёки САЖ да кўрсатилганидек, бошланғич шаклдаги танлов таклифи кафолатини тақдим этиши керак. Танлов таклифи кафолати ерилган тақдирда унинг суммаси ва валютаси САЖ да кўрсатилганидек бўлиши зарур.

- 19.2 Таклифни кафолатловчи декларация, 4 бўлим (Танлов таклифлари шакллари) да келтирилган шаклда тақдим қилиниши керак. САЖ да кўрсатилганидек, таклифни кафолатловчи Декларация ижро қилинса, Буюртмачи Савдо иштирокчисини ҳақли эмас, деб эълон қилади.
- 19.3 Танлов таклифи кафолати Савдо иштирокчиси ихтиёрига кўра ҳуқуқий лаёқатли мамлакатнинг нуфузли банкидан қуйидаги шакллардан бирида тақдим қилиниши керак:
- (a) Шартлар билан чекланмаган банк кафолати;
 - (b) Қайта чақириб олинмайдиган аккредитив; ёки
 - (c) Банк чеки ёки кафолатланган чек.
- Банк кафолат тақдим қилинган ҳолатда танлов таклифининг тендер таъминоти 4 бўлимга (Танлов таклифлари шакллари) киритилган Таклиф кафолати шаклларида фойдаланган ҳолда, ёки танлов таклифи берилишидан аввал Буюртмачи томонидан маъқулланган шунга ўхшаш шаклда тақдим этилиши керак. Барча ҳолатларда бундай шаклда Савдо иштирокчисининг тўлиқ номи кўрсатилиши зарур. Таклиф кафолати ўз кучини танлов таклифи амал қилиш муддати тугагандан сўнг йигирма саккиз кун (28) давомида, ёки бу ҳол СИЙ 18.2 да талаб қилинган ҳолда ҳар қандай узайтиришдан сўнг сақлаб қолиши керак.
- 19.4 СИЙ 19.3 га кўра тегишли кафолат билан таъминланмаган ҳар қандай таклиф ёки СИЙ 19.3 га кўра Таклиф кафолатланганлиги ҳақидаги деларация билан таъминланмаган таклиф, САЙ 19.1 га мувофиқ талаб қилинган тақдирда, Буюртмачи томонидан савдо талабларига жавоб бермаганлиги учун рад қилинади.
- 19.5 СИЙ 19.1 га кўра танлов кафолат талаб қилинса, ғолиб чиққан Савдо иштирокчисига СИЙ 42 га мувофиқ шартнома ижроси кафолати тақдим қилинган, ютқазган савдо иштирокчиларига таклиф кафолати имкон қадар қисқа муддатда қайтарилади.
- 19.6 Ғолиб чиққан Савдо иштирокчисига таклиф кафолати у томонидан Шартнома имзоланган ва талаб этилаётган Шартнома ижроси кафолати тақдим қилинган, имкон қадар қисқа муддатларда қайтариб берилади.
- 19.7 Қуйидаги ҳолларда тендер таъминоти ундириб олиниши ёки Таклиф кафолатланганлиги ҳақидаги декларация ижро этилиши мумкин:
- (a) агар Савдо иштирокчиси, ўзи Таклиф хатида кўрсатган амал қилиш муддати тугашидан аввал танлов таклифини қайтариб олса, СИЙ 18.2 да кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно; ёки
 - (b) агарда ютиб чиққан савдо иштирокчиси:
 - (i) СИЙ 41 га мувофиқ Шартномани имзолай олмаса; ёки
 - (ii) СИЙ 42 га мувофиқ шартнома ижро этилиши бўйича

талаб қилинаётган кафолатни тақдим эта олмаса;
ёки

- (iii) СИЙ 33 га мувофиқ, арифметик хатоларни тўғрилай олмаса; ёки
- (iv) ИЙ 41 га мувофиқ қўллаш мумкин бўлган ҳолларда, маҳаллий ташкилотлар афзалликлари кафолатини тақдим эта олмаса.

19.8 Танлов таклифининг тендер таъминоти ёки Таклиф кафолатланганлиги ҳақидаги деларация танлов таклифини тақдим этаётган ҚК номидан берилиши керак. Танлов савдоси ўтказилаётган пайтда ҚК қонунан таъсис этилмаган бўлса, СИЙ 4.1 да кўзда тутилганидек, келишув тўғрисидаги хатда кўрсатилган Танлов таклифининг тендер таъминоти ёки Таклиф кафолатланганлиги ҳақидаги деларация барча бўлажак шериклар номидан тақдим этилиши керак.

20. Танлов таклифининг шакли ва имзоланиши

21.1 Савдо иштирокчиси, СИЙ 11 да кўрсатилганидек, Танлов таклифи тақдими кирувчи Техник таклифнинг битта асл нусхасини ва баҳоли таклифнинг битта нусхасини тайёрлаши керак. Уларга аниқ қилиб “АСЛ НУСХА – ТЕХНИК ТАКЛИФ” ва “АСЛ НУСХА-БАҲОЛИ ТАКЛИФ” деб ёзилган бўлиши керак. СИЙ 13 га кўра рухсат этиладиган муқобил танлов таклифлари аниқ қилиб “МУҚОБИЛ ТАКЛИФ” деб қайд қилиниши зарур. Бундан ташқари, Савдо иштирокчиси САЖ да кўрсатилганидек, Танлов таклифининг иккита (2) та нусхасини тақдим этиши лозим, ва ҳар бирига аниқ қилиб “НУСХА” деб ёзиш керак. Асл нусха ва нусхалар ўртасида бирон бир тафовут борлиги маълум бўлса, асл нусха устувор деб ҳисобланади.

20.2 Танлов таклифининг асл нусхаси ва барча нусхалари муҳрланиши ёки ўчмайдиган сиёҳда ёзилган бўлиши, белгиланган тарзда Савдо иштирокчиси номидан Танлов таклифини имзолаш ҳуқуқига эга ваколатли шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Бундай ваколатлар, САЖ да кўрсатилганидек, ёзма ишонч қоғозидан ташкил топиши ва танлов таклифига илова қилиниши зарур. Ишонч қоғозини имзолловчи ҳар бир шахснинг исми шарифи ва лавозими босма тарзда киритилиши ёки имзо остига босма ҳарфлар билан ёзилган бўлиши керак. Танлов таклифининг барча саҳифалари (босма адабиёт бундан мустасно) Танлов таклифини имзолловчи шахслар томонидан имзоланиши ёки тасдиқланиши (парафирланиши) зарур.

20.3 Киритма, ўчириш ёки эски матн устига ёзиш каби барча ўзгартишлар улар Танлов таклифини имзолловчи шахслар томонидан имзоланган ёки тасдиқланган (парафирланган) тақдирда кучга эга бўлади.

D. Танлов таклифларини топшириш ва очиш

21. Танлов таклифларини муҳрлаш ва

21.1 Савдо иштирокчилари ўз таклифларини почта орқали ёки шахсан етказишлари мумкин. САЖ да кўзда тутилган ҳолларда, Савдо иштирокчилари ўз таклифини электрон

маркировка қилиш

почта орқали ёки электрон шаклда тақдим этиши мумкин. Уни тақдим этиш, муҳрлаш ва маркировка қилиш тартиби қуйидагича:

(a) Ўз таклифларини почта орқали ёки шахсан етказувчи Савдо иштирокчилари, Техник танлов таклифининг асл нусхасини, Баҳоли танлов таклифининг асл нусхасини, Техник танлов таклифининг ҳар бир нусхасини ва , Баҳоли танлов таклифининг ҳар бир нусхасини алоҳида муҳрланган конвертларда, устиларида тегишли тарзда “АСЛ НУСХА-ТЕХНИК ТАКЛИФ”, “АСЛ НУСХА-БАҲОЛИ ТАКЛИФ”, ва “№ НУСХА-ТЕХНИК ТАКЛИФ” ва “№ НУСХА-БАҲОЛИ ТАКЛИФ” деган қайдлар билан маркировка қилинган ҳолда тақдим этишлари керак.

Ушбу конвертлар: асл нусхалар солинган биринчи конверт ва нусхалар солинган иккинчи конверт сўнгра битта ҳужжатлар тўплами учун битта конвертга солиб, тақдим қилинади. СИЙ 13 га мувофиқ йўлга қўйилган ҳолларда, муқобил таклифлар ҳам шу тарзда муҳрланиши, маркировка қилиниши ва ҳужжатлар тўпламига киритилиши керак. Қолган жараёнлар СИЙ, 21.2 ва 21.3 бандларга мувофиқ амалга оширилади.

(b) Ўз таклифларини электрон шаклда узатувчи Савдо иштирокчилари СИЙ да кўрсатилганидек, таклиф узатишнинг электрон тартибига риоя қилиши керак.

21.2 Ички ва ташқи конвертларда қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

- (a) Савдо иштирокчисининг номланиши ва манзили;
- (b) СИЙ 22.1 да кўзда тутилганидек, Буюртмачи номига жўнатилган бўлиши керак; ва
- (c) САЖ 1.1. да кўрсатилганидек, ушбу танлов савдоси ҳақида аниқ идентификацион маълумотга эга бўлиши лозим.

21.2 Техник танлов таклифи солинган ташқи ва ички конвертлар устида СИЙ 25.1 кичик бандига мувофиқ, Техник танлов таклифини очиш бўйича белгиланган вақт ва санагача очмаслик тўғрисида огоҳлантирувчи ёзув бўлиши зарур.

21.3 Баҳоли танлов таклифи солинган ички ва ташқи конвертлар устида, СИЙ 25.7 кичик бандига мувофиқ, Буюртмачи томонидан бериладиган хабарсиз очмаслик тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув бўлиши зарур.

21.4 Агарда барча конвертлар юқорида талаб қилинган тартибда муҳрланмаган ва маркировка қилинмаган бўлса, Буюртмачи танлов таклифининг бошқа манзилга тушиб қолиши ёки муддатидан олдин очилиши учун жавобгар ҳисобланмайди.

22. Танлов таклифларини беришнинг муддати

22.1 Танлов таклифлари Буюртмачи томонидан СИЙ да кўзда тутилган манзил бўйича ва муддатда олинган бўлиши керак.

22.2 Ўз ихтиёрига кўра Буюртмачи СИЙ 8 га мувофиқ Тендер ҳужжатида ўзгартириш киритиш орқали танлов таклифларини тақдим этишнинг якуний муддатини

- узайтириши мумкин. Бу ҳолда Буюртмачи ва Савдо иштирокчисининг дастлабки муддат билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари узайтирилган муддатга татбиқ қилинади.
- 23. Кечикиб тақдим этилган танлов таклифлари** 23.1 СИЙ 22 га кўра, Буюртмачи танлов таклифларини тақдим этиш муддати ўтганидан сўнг берилган ҳеч қандай танлов таклифини кўриб чиқмайди. Буюртмачи томонидан танлов таклифларини тақдим этиш муддати ўтганидан сўнг олинган ҳар қандай танлов таклифи кечиккан деб эълон қилинади, рад этилади ва очилмаган ҳолда савдо иштирокчисига қайтарилади.
- 24. Танлов таклифларини қайтариб олиш, алмаштириш ва ўзгартириш** 24.1 Савдо иштирокчиси тегишли тарзда ваколатли шахс томонидан имзоланган ёзма хабарномани йўллаш орқали ўз танлов таклифини қайтариб олиши, уни алмаштириши ёки унга ўзгартириш киритиши мумкин. СИЙ 20.2 га мувофиқ унга ишончнома нусхаси киритилиши зарур (қайтариб олишда нусхалар талаб қилинмайди). Танлов таклифининг алмаштирилиши ва ўзгартиш киритилишига тегишли ёзма хабарномалар илова қилиниши зарур. Барча хабарномалар:
- (a) СИЙ 20 ва СИЙ 21 га мувофиқ тайёрланган бўлиши зарур (қайтариб олишда нусхалар талаб қилинмайди), айти пайтда тегишли конвертлар устида аниқ қилиб “ҚАЙТАРИБ ОЛИШ”, “АЛМАШТИРИШ”, “ЎЗГАРТИРИШ” деб ёзилган бўлиши лозим, ва
- (b) Буюртмачи томонидан СИЙ 22 га кўра танлов таклифларини тақдим этишнинг якуний муддати тугашидан аввал олинган бўлиши зарур.
- 24.2 СИЙ 24.1 га кўра, қайтариб олинган танлов таклифлари Савдо иштирокчиларига очилмаган ҳолда қайтарилиши зарур.
- 24.3 Танлов таклифларини беришнинг охири муддати билан Савдо иштирокчиси томонидан таклиф хатда кўрсатилган танлов таклифи амал қилиши муддати тугагунча ёки бунга боғлиқ равишда ҳар қандай узайтириш пайтида бирон бир танлов таклифи қайтариб олишини, алмаштирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин эмас.
- 25. Танлов таклифларини очиш** 25.1 Буюртмачи Танлов таклифларини оммавий тарзда САЖ да кўрсатилган манзилда, сана ва вақтда, савдо иштирокчиларининг масъул вакиллари ва бунда иштирок этиш истагини билдирган ҳар қандай шахслар иштирокида очади. СИЙ 21.1 га кўра танлов таклифларининг электрон нусхасини бериш рухсат этилган ҳолларда танлов таклифларининг электрон версияларини очиш САЖ да кўзда тутилган тартибда амалга оширилиши керак. Баҳоли таклиф муҳрланган ҳолда қолади ва Буюртмачида унинг очилиши муддатигача сақланади. Агар Техник танлов таклифи ва баҳоли таклиф биргаликда битта конвертда берилган бўлса, Буюртмачи Танлов таклифини тўлиқ рад этиши мумкин. Бунинг муқобили – Баҳоли таклиф дарҳол муҳрланиши ва

- кечроқ муддатга қолдирилиши мумкин.
- 25.2 Биринчидан, “ҚАЙТАРИБ ОЛИШ” деб кўрсатилган конвертлар биринчи бўлиб очилиши ва ўқилиши керак ва тегишли танлов таклифи солинган конверт очилмасдан Савдо иштирокчисига қайтарилиши зарур. Қайтариб олиш тўғрисидаги хабарнома уни сўраш ҳақида ваколатга эга бўлмаса, ва танлов таклифларини очиш пайтида ўқилмаган бўлса, бирон бир танлов таклифининг қайтариб олишига рухсат этилмайди.
- 25.3 Иккинчидан, “АЛАМШТИРИШ” белгили конвертлар ўқилиши керак. Алмаштирилган Техник танлов таклифи ва/ёки алмаштирилган Баҳоли танлов таклифи солинган ички конвертлар тегишли конвертларга алмаштирилиши ва улар очилмаган ҳолда Савдо иштирокчисига қайтарилиши керак. Фақат алмаштирилган Техник танлов таклифи мавжуд бўлса, у очилади, ўқиб эшиттирилади ва ёзиб олинади. Алмаштирилган Баҳоли таклиф СИЙ 25.1 кичик бандига кўра, очилмайди. Хабарномада алмаштиришн сўраш ваколоти бўлмаса, ва танлов таклифларини очиш пайтида ўқиб эшиттирилмаса, бирон бирон бир конвертнинг алмаштирилишига рухсат этилмайди.
- 25.4 Бундан сўнг “ЎЗГАРТИРИШ” деб қайд этилган ташқи конвертлар очилиши керак. Ўзгартириш ҳақидаги хабарномада ўзгартиришни сўраш ваколоти кўрсатилмаган бўлса, ва улар Техник танлов таклифларини очиш пайтида ўқиб эшиттирилмаган бирон бир Техник танлов таклифи ва/ёки Баҳоли танлов таклифини ўзгартиришга рухсат этилмайди. Техник танлов таклифлари, уларнинг асл нусхалари, шунингдек Ўзгартирилган версиялари очилиши, ўқиб эшиттирилиши ва ёзиб олиниши керак. Баҳоли танлов таклифлари, уларнинг асл нусхалари, шунингдек Ўзгартирилган версиялари, СИЙ 25.1 кичик бандига мувофиқ, очилмаган ҳолда қолиши зарур. Техник танлов таклифлари солинган қолган барча конвертлар битталаб очилади, айна пайтда қуйида келтирилган маълумотлар ўқиб эшиттирилиш ва ёзиб олиниши керак:
- (a) Савдо иштирокчисининг номланиши;
 - (b) Киритилган ўзгартириш ва алмаштиришлар;
 - (c) Тендер таъминоти ва таклиф кафолати декларациясининг мавжудлиги, зарур ҳолларда; ва
 - (d) Буюртмачи зарур деб ҳисоблаган бошқа тафсилотлар.
- Фақат танлов таклифларини очиш пайтида ўқиб эшиттирилган ва ёзиб олинган техник танлов таклифлари ва муқобил Техник танлов таклифлари кўриб чиқилади. Танлов таклифларини очиш пайтида бирон бир танлов таклифи рад қилиниши мумкин эмас, СИЙ 23.1 кичик бандига кўра кечикиб узатилган таклифлар бундан мустасно.
- Буюртмачи Техник танлов таклифларини очиш баённомасини тайёрлайди, бунга камида қуйидаги маълумотлар киритилиш зарур: танлов савдоси иштирокчисининг номи ва киритилган ўзгартиришлар; қайтариб олиш, алмаштириш ёки ўзгартириш;

- муқобил таклифлар; тендер таъминотининг мавжудлиги ёки йўқлиги, талаб қилинган ҳолларда. Савдо иштирокчиларининг қатнашувчи вакиллари баённомани имзолаши керак. Танлов савдоси иштирокчисининг имзоси йўқлиги баённома ҳақиқийлиги ва натижаларига таъсир кўрсатмайди. Баённома нусхалари барча Савдо иштирокчиларига берилади.
- 25.5 Техник танлов таклифларини баҳолаш якунлагач, Буюртмачи Техник таклифлар талабларига мос бўлган Техник танлов таклифларини берган, ҳамда Баҳоли танлов савдоларида иштирок этишга малакаланган савдо иштирокчиларини таклиф этади. Баҳоли танлов таклифларининг очилиши санаси, вақти ва жойи Буюртмачи томонилан ёзма шаклда хабар қилинади. Савдо иштирокчиларига олдиндан Баҳоли таклифлар очилиш ҳақида хабарнома юборилади.
- 25.6 Буюртмачи Техник танлов таклифлари етарли даражада Тендер ҳужжати талабларига жавоб бермаганлиги асосида рад этилган Савдо иштирокчисини ёзма тарзда хабардор қилади ва уларга Баҳоли танлов таклифини очилмаган конвертда қайтаради.
- 25.7 Буюртмачи томонидан Тендер ҳужжати талабларига жавоб берадиган Техник танлов таклифларини берган Савдо иштирокчисининг Баҳоли танлов таклифлари Буюртмачи томонидан белгиланган манзилда, кун ва соатда қатнашиш истагини билдирган Савдо иштирокчиси вакиллари иштирокида очилади. Қатнашаётган Савдо иштирокчиси вакиллари келганликларини қайд этиш учун рўйхатдан ўтишлари керак.
- 25.8 Барча баҳоли танлов таклифлари солинган конвертлар, биттадан очилиши ва қуйидаги маълумотлар ўқиб, эшиттирилиши керак:
- (a) Савдо иштирокчисининг номланиши;
 - (b) Киритилган ўзгартириш ёки алмаштиришлар;
 - (c) Танлов таклифлари нархининг мавжудлиги, шу жумладан ҳар қандай чегирмалар ва муқобил таклифлар; ва
 - (d) Буюртмачи зарур деб ҳисоблаган бошқа тафсилотлар.
- Баҳоли танлов таклифлари очилишида ўқиб эшиттирилган Баҳоли танлов таклифларигина кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Баҳоли танлов таклифларини очишда бирон бир танлов таклифи рад қилиниши керак эмас.
- 25.9 Буюртмачи Баҳоли танлов таклифлари очилиши баённомасини тайёрлайди, унда камида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: Савдо иштирокчисининг номланиши, Танлов таклифининг нархи (имкон бўлса, ҳар бир лот бўйича), ҳар қандай чегирмалар ва муқобил таклифлар. Савдо иштирокчиларининг қатнашаётган вакиллари баённомани имзолаши керак. Савдо иштирокчиси имзосининг йўқлиги баённома мазмуни ҳақиқийлигига ва натижаларига таъсир кўрсатмайди. Баённома нусхаси барча Савдо иштирокчиларга тарқатилади.

Е. Танлов таклифларини баҳолаш ва қиёслаш

- 26. Махфийлик**
- 26.2 Шартномани бериш бўйича танлов таклифларини ўрганиш, қиёслаш, баҳолаш ва кейинчадик малакавий баҳо бериш билан боғлиқ маълумотлар танлов иштирокчиларига, ёки бу жараёнда расман қатнашмайдиган бошқа шахсларга шартнома берилганлиги барча Савдо иштирокчиларига эълон қилинишидан аввал ошкор қилинмаслиги керак.
- 26.3 Савдо иштирокчиларининг Буюртмачи томонидан танлов таклифларини баҳолашига ёки шартномани беришга таъсир кўрсатиш йўлидаги ҳар қандай уриниш ушбу савдо иштирокчиси таклифининг танловдан чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин.
- 26.4 СИЙ 26.2 га қарамай, танлов таклифи очилган пайтдан бошлаб, Шартнома берилгунча, бирон бир Савдо иштирокчиси савдо жараёнига оид бирон масала бўйича боғланмоқчи бўлса, буни ёзма шаклда амалга ошириши мумкин.
- 27. Танлов таклифларини тушунтириш**
- 27.2 Техник ва Баҳоли танлов таклифларини ўрганиш, баҳолаш ва қиёслаш учун Буюртмачи ўз хоҳишига кўра, ҳар қандай Савдо иштирокчисидан танлов таклифи бўйича тушунтириш беришини сўраши мумкин. Савдо иштирокчиси томонидан берилган, Буюртмачи талабига жавоб бермайдиган ҳар қандай тушунтириш кўриб чиқилмайди. Тушунтириш бўйича сўров ва ушбу сўровга жавоб ёзма шаклда берилиши керак. Техник танлов таклифи ва Баҳоли танлов таклифи мазмунида бирон бир ўзгартириш киритилиши сўралиши, таклиф қилиниши ва рухсат берилиши мумкин эмас. СИЙ 33га биноан, Буюртмачи томонидан Баҳоли танлов таклифини баҳолаш пайтида аниқланган арифметик хатоларни тўғрилаш бўйича сўровлар бундан истисно.
- 27.3 Агар Савдо иштирокчиси ўз танлов таклифи бўйича Буюртмачи сўровида кўрсатилган муддатда ва санада тушунтириш бермаса, унинг танлов таклифи рад қилиниши мумкин.
- 28. Четлашиш, тушуриб қолдириш ва хатолар**
- 28.2 Танлов таклифларини баҳолаш пайтида қуйидаги таърифлар қўлланилади:
- (a) “Четлашиш” – бу Тендер ҳужжатида кўзда тутилган талаблардан четлашиш;
 - (b) “Тушириб қолдириш” – чекловчи шартларнинг белгиланиши ёки Тендер ҳужжатида кўрсатилган талабларни тўлиқ қабул қилишдан бош тортиш; ва
 - (c) “Хатолар” – Тендер ҳужжати бўйича талаб қилинадиган бевосита қисмлар, ёки бутун маълумотлар ёки ҳужжатларга тааллуқли
- 29. Техник таклифларни олдиндан баҳолаш**
- 29.1 СИЙ 11.2 кичик бандида кўзда тутилган барча ҳужжатлар ва техник ҳужжатлар мавжудлигини ва тақдим этилган ҳар бир ҳужжат тўлиқлигини тасдиқлаш учун Буюртмачи Техник

танлов таклифларини ўрганиб чиқади.

29.2 Буюртмачи Техник танлов таклифида қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотлар келтирилганини тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатлар ва маълумотлар бўлмаган тақдирда, оферта рад этилади.

- (a) Техник таклифли хат;
- (b) Савдо иштирокчиларига мажбурият юкловчи ваколатларнинг ёзма тасдиғи;
- (c) Таклиф кафолати, имконият мавжуд бўлса; ва
- (d) СИЙ 16 га мувофиқ техник таклиф.

30. Савдо талабларига мувофиқликни аниқлаш

30.1 Буюртмачи томонидан танлов таклифининг талабларга мослигини аниқлаш, СИЙ 11 да кўзда тутилганидек, танлов таклифининг мазмунидан келиб чиқиши керак.

30.2 Техник танлов таклифи Тендер ҳужжатининг барча шартларига ва ихтисослашувларига жиддий четлашувларсиз, тушуриб қолдириш ва нуқсонларсиз жавоб берган тақдирда етарли даражада талабга жавоб беради, деб ҳисобланади. Жиддий четлашувлар, тушириб қолдириш ва нуқсонларга қуйидагилар киради:

- (a) қабул қилинган тақдирда:
 - (i) бирон бир жиддий тарзда Шартномада кўзда тутилган ишлар ҳажмига, сифатига ва жараёнига таъсир кўрсатса; ёки
 - (ii) бирон бир жиддий тарзда танлов ҳужжатларига зид равишда Буюртмачи ҳуқуқларини, ёки Танлов савдоси иштирокчисининг Шартнома бўйича мажбуриятларини чекласа; ёки
- (b) тузатилган ҳолда, кўпроқ даражаад танлов талабларига жавоб берадиган танлов таклифларини тақдим этган танлов савдосининг бошқа иштирокчилари рақобат аҳволига адолатсиз таъсир кўрсатади.

30.3 Буюртмачи СИЙ 16 га мувофиқ берилган Танлов таклифининг техник жиҳатларини ўрганиб чиқади. Бунда, хусусан, 6 бўлим (Талаб қилинадиган ишлар) бўлими талаблари жиддий четлашув, изоҳ ва тушириб қолдиришсиз амал қилингани эътиборга олинади.

30.4 Агар танлов таклифи кўп жиҳатдан Тендер ҳужжат талабларига жавоб бермаса, у Буюртмачи томонидан рад қилинади ва кейинчалик жиддий четлашиш, тушириб қолдиришлар ва хатоларни тўғрилаш йўли билан талабларга мослаштирилиши мумкин эмас.

31. Талабларга жавоб бермаслик хатолар ва тушириб

31.1 Агар танлов таклифи кўп даражада савдо талабларига жавоб берса, Буюртмачи Танлов таклифидаги муайян номуносибликка йўл қўйиши мумкин, улар жиддий

қолдиришлар

четлашиш, тушириб қолдириш ва хато бўлмаслиги керак.

- 31.2 Агар танлов таклифи кўп даражада савдо талабларига жавоб берса, Буюртмачи Савдо иштирокчисидан оқилона вақт мобайнида зарур маълумот ёки ҳужжатларни тақдим этишини сўраши, танлов ҳужжатлари талаб қиладиган Техник танлов таклифидаги кичик тузатиши мумкин. Бундай номувофиқликлар бўйича маълумот ёки ҳужжатларни сўраш Баҳоли танлов таклифининг бирон бир жиҳати билан боғлиқ бўлмаслиги лозим. Савдо иштирокчиси томонидан сўровнинг бажарилмаслиги Танлов таклифининг рад қилинишига сабаб бўлиш мумкин.
- 31.3 Агар танлов таклифи маълум даражада талабларга жаво берса, Буюртмачи Танлов таклифи нархи билан боғлиқ арзимас номувофиқликларни тузатиши зарур. Шу мақсадда танлов таклифининг нархига, таққослаш мақсадида тузатиш киритилиши мумкин. Бунда етишмайдиган ёки талабга жавоб бермайдиган модда ёки компонентни тузатиш кўзда тутилади. Тузатиш 3 бўлим (Баҳолаш ва малака мезонлари) да кўрсатилган усуллардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

32. Савдо иштирокчилари малакаси

- 32.1 Техник тақдифларни баҳолаш пайтида Буюртмачи Савдо иштирокчиси 3 бўлимдаги (Баҳолаш ва малака мезонлари) малака мезонларига жавоб бериши ёки жавоб бермаслигини аниқлаши керак.
- 32.2 Ушбу таъриф СИЙ 17.1 га кўра Савдо иштирокчисига тақдим қилинган Савдо иштирокчиси малакасининг ҳужжатли тасдиғига асосланади.
- 32.3 Малаканинг ижобий баҳоланиши Савдо иштирокчиси Баҳоли танлов таклифини очиш ва баҳолашда зарурий шарт ҳисобланади. Салбий баҳо Танлов таклифи дисквалификациясига олиб келади. Бу ҳолда Буюртмачи Савдо иштирокчисига очилмаган конвертда Баҳоли танлов таклифини қайтаради.

33. Арифметик хатоларни тўғрилаш

- 33.1 Баҳоли танлов таклифини баҳолашда Буюртмачи куйидаги асослардан келиб чиққан ҳолда арифметик хатоларни тўғрилайди:
- (a) бирлик нархини бирликлар сонига кўпайтириш орқали аниқланадиган ишлар бирлиги ва умумий қиймати ўртасида тафовут бўлганда, асосийси – бирлик учун ставка ҳажми ҳисобланади, ва умумий қийматдаги хатолик тузатилиши мумкин. Буюртмачи фикрича, ўнлик касрда вергул нотўғри қўйилиши оқибатида содир бўлган хатолар бундан мустасно. Бунда умумий қиймат асос саналади ва бирлик ставкаси тузатилади;
 - (b) Фарқларга ёки оралиқ суммаларга тўғри келадиган умумий суммалар ҳолатида, оралиқ суммалар асосий ҳисобланади ва умумий суммага тузатиш киритилади; ва
 - (c) Сўз билан рақамлар ўртасида фарқ бўлса, ёзилган сумма асос ҳисобланиши керак, бунда ёзма келтирилган сумма

арифметик хато билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно, юқоридаги (a) ва (b) ҳолатларда рақамлардаги сумма асос бўлади.

- 34.2 Энг паст нархли танлов таклифини берган Савдо иштирокчиси хатоларнинг тўғриланишига рози бўлмаса, унинг танлов таклифи дисквалификация қилинади, ва танлов таклифининг кафолати олиб қўйилади ёки таклифни кафолатловчи декларация ишга солинади.
- 34. Ягона валютага айрибошлаш** 36.1 Баҳолаш ва қиёслаш мақсадлари учун, танлов таклифидаги валюта СИЙ да белгиланган ягона валютага айрибошланиши керак.
- 35. Преференциал чегирма** 35.1 СИЙ да бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, преференциал чегирма қўлланилмаслиги керак.
- 36. Танлов таклифларини баҳолаш** 36.1 Буюртмачи ушбу параграфда келтирилган мезонлар ва услубиётдан фойдаланиши керак. Баҳолашнинг бошқа мезон ва услубиётларига рухсат этилмайди.
- 36.2 Баҳоли танлов таклифини баҳолашда Буюртмачи қуйидагиларни кўриб чиқиши керак:
- (a) Танлов таклифининг нархи, Шартли суммалар бундан мустасно, ягона нархли шартномалар учун, ёки ягона нархли шартномалар учун нархлар жадвалида Ишлар қайдномасидаги кўзда тутилмаган харажатлар моддаларини, бунда нархлар рақобатлилиқ асосида белгиланганда, кунлик меъёр эътиборга олинishi керак;
 - (b) СИЙ 33.1 га мувофиқ, арифметик хатоларни тўғрилаш учун нархларга тузатиш киритиш;
 - (c) СИЙ 14.4 га кўра таклиф этилган чегирмалар асосида нархларга тузатиш киритиш;
 - (d) СИЙ 34 га кўра, юқоридаги (a) дан (c) бандини қўллаш орқали олинган суммани ягона валютага айрибошлаш;
 - (e) СИЙ 31.3 га кўра номувофиқликларни тузатиш;
 - (f) 3 бўлим (Баҳолаш ва малака мезонлари) бўлимида кўрсатилган барча баҳолаш омилларини қўллаш.
- 36.4 Шартнома амалга оширилиши давомида нархларни тузатиш бўйича таклиф қилинаётган таъсир танлов таклифларини баҳолашда эътиборга олинмаслиги керак.
- 36.5 Тендер ҳужжати Савдо иштирокчиларига турли контрактлар бўйича турли нархларни таклиф этиш ва ягона Танлов иштирокчисига кўп сонли контрактларни бериш имконини берса, контрактлар комбинациясининг энг паст нархини аниқлаш услубиёти 3 бўлим (Баҳолаш ва малака мезонлари) да келтирилади. Бунда Баҳоли таклиф хатида таклиф қилинган чегирмалар ҳисобга олинади.
- 36.6 Энг паст Баҳоли қийматга эга ягона нархли шартнома бўйича танлов таклифи Буюртмачи фикрига кўра етарли даражада мувозанатланмаган, ортиқча юкланган ёки смета

харажатларидан анча арзон бўлса, Буюртмачи савдо иштирокчисидан Ишлар ҳажми қайдномаси бўйича исталган модда ёки барча моддалар бўйича батафсил таҳлил тақдим этишини сўраши мумкин. Бунда ушбу нархларнинг қурилиш услуги ва жадвалига мослиги аниқланиши мумкин. Нархлар таҳлили баҳолангач, шартномада кўзда тутилган тўловлар жадвалини ҳисобга олган ҳолда Буюртмачи Савдо иштирочиси ҳисобидан контракт ижроси ҳажмини кўпайтирилишини сўраши мумкин, зеро бу танлов ғолиби томонидан танлов савдоси Шартномаси бажарилмаган тақдирда Буюртмачини молиявий зарарлардан ҳимоялайди.

37. Танлов таклифларини таққослаш

37.1 СИЙ 36.2 га кўра, Буюртмачи энг паст нархли танлов таклифини аниқлаш учун савдо талабларига жавоб берадиган танлов таклифларини таққослаши керак.

38. Буюртмачининг исталган танлов таклифини қабул қилиш ва исталган танлов таклифини рад этиш ҳуқуқи

38.1 Буюртмачининг исталган танлов таклифини қабул қилиш ва исталган танлов таклифини рад этиш, шунингдек танлов савдоси натижаларини бекор қилиш ҳуқуқини, Шартнома берилгунча исталган пайтда барча танлов таклифларини рад этиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бунда савдо иштирокчилари олдида ҳеч қандай мажбуриятларга эга бўлмайди. Бекор қилинган тақдирда барча берилган танлов таклифлари, тендер таъминоти дарҳол Савдо иштирокчиларига қайтарилиши зарур.

Ғ. Шартномани бериш

39. Шартномани бериш мезонлари

39.1 Буюртмачи танлов таклифи нархига кўра арзон бўлган ва кўп даражада Тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган савдо иштирокчисига Шартномани беради. Бунда ушбу савдо иштирокчиси Шартномани муваффақиятли бажариш бўйича малакали деб топилган бўлиши керак.

40. Шартнома берилгани тўғрисида огоҳлантириш

40.1 Танлов таклифлари муддати тугагунча, Буюртмачи ёзма равишда танлов ғолибини огоҳлантириши керак. Бунда унга Шартнома шаклига киритилган шаклда унинг таклифи қабул қилинганлиги тўғрисида Хат юборади.

40.2 Расмий Шартнома тайёрланмаган ва имзоланмагунча Шартнома берилгани тўғрисидаги хат юридик кучга эга Шартнома ҳисобланади.

40.3 Айни пайтда, Буюртмачи бошқа Савдо иштирокчиларини ҳам савдо натижаларидан огоҳлантириши, инглиз тилидаги газетада ёки машҳур вебсайтда савдо ва лотлар рақамларини кўрсатган ҳолда натижаларни эълон қилиши керак. Бунда қуйидаги маълумотлар қамраб олиниши зарур: (i) таклиф берган ҳар бир Савдо иштирокчисининг номи; (ii) савдо очилган пайтда эълон қилинган таклифлар нархи; (iii) ҳар бир таклифнинг номи ва қиймати; (iv) таклифи рад этилган савдо иштирокчиларининг номи ва рад этиш сабаблари; ва (v) савдо ғолибининг номи ва у таклиф қилган нарх, берилган шартноманинг давомийлиги ва қисқача таърифи. Шартнома берилгани тўғрисидаги хабар эълон қилингач, ютқазган савдо иштирокчилари ёзма равишда

Буюртмасидан изоҳ талаб қилиши мумкин, унда таклифларини рад этиш сабаблари кўрсатилиши керак. Буюртмачи дарҳол ёзма равишда Шартнома берилгани тўғрисидаги хабар эълон қилинган, сўров юборган исталган савдо иштирокчисига рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда жавоб қайтариши керак.

41. Шартноманинг имзоланиши

41.1 Хабарномадан сўнг Буюртмачи дарҳол савдо ғолибига Шартнома битимини жўнатади.

41.2 Шартнома битими олинганидан сўнг йигирма саккиз (28) кун давомида савдо танлови ғолиби уни имзолаб, санасини қўйиш ва Буюртмачига қайтариши керак.

42. Шартноманинг ижро этилиши кафолати

42.1 Буюртмачидан шартнома берилиши тўғрисидаги хабарномани олганидан сўнг йигирма саккиз (28) кун давомида савдо ғолиби СИЙ 36.5 га мувофиқ, шартнома ижро этилиши кафолатини тақдим этиши керак. Бунда 9 бўлим (Шартнома шакллари) да келтирилган шартнома ижроси кафолати шакли, ёки Буюртмачига қулай бўлган бошқа шаклдан фойдаланиши керак. Шартнома ижроси кафолатини берган ташкилот Буюртмачи мамлакатидан ташқарида жойлашган бўлса, кафолатнинг ҳуқуқий таъминоти учун у Буюртмачи мамлакатида тегишли молия институтига эга бўлиши лозим.

42.2 Танлов ғолибининг бундай кафолатни бериш ёки Шартномани имзолаш бўйича ҳуқуқий лаёқатсизлиги Шартнома берилишини бекор қилиш учун етарли асос ҳисобланади. Бу ҳолда Буюртмачи Шартномани танлов таклифи савдо талабларига жавоб берадиган ва Буюртмачи томонидан шартномани муваффақиятли бажариш бўйича малакали деб топилган навбатдаги Савдо иштирокчисига бериши мумкин.

42.3 Талаб қилинган ҳолларда юқоридаги қоидалар маҳаллий афзаллик кафолатига нисбатан татбиқ қилинади.